


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ҚЎМИТАСИ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

**МАЙДА ШОХЛИ ҲАЙВОНЛАР
МОНИЕЗИОЗИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ
ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ
(ТАВСИЯНОМА)**



Тошкент – 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ҚЎМИТАСИ
САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



МАЙДА ШОХЛИ ҲАЙВОНЛАР
МОНИЕЗИОЗИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ
ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ
(ТАВСИЯНОМА)

Тошкент – 2018

Ушбу тавсиянома Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессори, ветеринария фанлари доктори Б.С.Салимов, ветеринария фанлари номзоди Ш.Х.Қурбанов, ветеринария фанлари номзоди, доцент, Т.И.Тайлақов, магистрлар С.Худоёрова ва Б.Назаровлар томонидан тайёрланган.

Тавсияномада Ўзбекистон шароитида қўй ва эчкилар мониезиозининг кўзгатувчилари, уларнинг биоэкологик хусусиятлари, касалликнинг эпизоотологик ҳолати, клиник белгилари, патогенези, иммунитети, диагностикаси ва уни бошқа ичак цестодозларидан дифференциаллаш (фарқлаш) усуллари ва унга қарши курашни такомиллаштириш тўғрисидаги “ҚХА-9-011-2015 Ўзбекистон шароитида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ичак цестодозларини диагностика қилиш, даволаш ва уларга қарши кураш усулларини такомиллаштириш” мавзусида бажарилган илмий лойиҳа бўйича ва сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотлардан олинган янги илмий маълумотлар киритилган, унда адабиёт маълумотларидан ҳам қисман фойдаланилган.

Мазкур тавсиянома ветеринария амалиёти мутахассислари, талабалар, магистрлар, докторантлар ва мустақил изланувчилар учун мўлжалланган

Ушбу тавсиянома Самарқанд ветеринария медицинаси институти Кенгашида муҳокама қилинган (Баённома №13 “13” июль 2018 й.) ва тасдиқлашга тавсия қилинган.

Тақризчилар:

- Қ.Н.Норбоев – Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессори, ветеринария фанлари доктори;
Б.Ҳакимов – Самарқанд шаҳар ветеринария бўлими бошлиғининг муовини, ветеринария фанлари номзоди.

Тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси томонидан (Баённома №18 “24” ноябрь 2018 й.) тасдиқланган ва чоп этишга рухсат этилган.

КИРИШ

Республикамизда бугунги кунда аграр соҳа тизимида чорвачиликга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон қарорлари ва янги ҳукумат бошлиғи Ш.М.Мирзиёевнинг қўй ва эчкичилиқни ривожлантиришга қаратилган тадбирлари чорвачилиқни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Аммо бундай ижобий ишларни тўлиқ рўёбга чиқаришда ушбу соҳани ривожланишига тўсқинлик қилувчи абиотик ва биотик омиллар ҳам мавжуд. Биотик омиллар жумласига ҳайвонлар орасида учраб турадиган турли паразитар касалликлар, жумладан гельминтозлар киради. Гельминтозлар орасида эса кенг тарқалиши, келтирадиган иктисодий зарари ва кам ўрганилганлик даражаси бўйича йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ичак цестодозлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон шароитида йирик ва майда шохли ҳайвонлар орасида ичак цестодозлари – мониезиоз, тизаниезиоз, авителлинозлар ва уларнинг кўзгатувчиларининг тарқалиш даражаси, уларни диагностика қилиш, даволаш масалалари 1975 йилдан бери ўрганилмасдан келинмоқда. Фаунистик тадқиқотлар бўйича 1974 йилгача қўй, эчки ва қорамолларда 3 тур мониезиоз кўзгатувчилари – *Moniezia expansa* (Rudolphi, 1810), *Moniezia benedeni* (Moniez, 1879), *Moniezia autumnalia* Kuznetsov, 1967, бир тур тизаниезиоз кўзгатувчиси – *Thysaniezia giardi* (Moniez, 1879), бир тур авителлиноз кўзгатувчиси – *Avitellina centripunctata* (Rivolta, 1874), қўйларда эса стилезиоз кўзгатувчиси *Stilesia globipunctata* (Rivolta, 1874) нинг учраши қайд қилинган. Аммо, 2005 йилги ЎЗВИТИ томонидан қўйларда ўтказилган фаунистик маълумотда эса Ўзбекистоннинг 6 та вилоятида олдинлари маълум бўлган 6 турга оид ичак цестодоз касалликлари кўзгатувчиларидан атиги 2 та мониезиоз кўзгатувчилари (*M.expansa*, *M.benedeni*)нинг учраши аниқланган, тизаниезиоз, авителлиноз, стилезиоз кўзгатувчилари топилмаган. Бизларнинг олиб борган сўнги